

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**НОРМУХАМЕДОВ САРДОР РИФАТОВИЧ**

**СИНДИКАТЛАШГАН КРЕДИТЛАР ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН  
ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences**

**Нормухамедов Сардор Рифатович**

Синдикатлашган кредитлар орқали инвестицион лойиҳаларни  
молиялаштиришни ривожлантириш ..... 3

**Нормухамедов Сардор Рифатович**

Развития финансирования инвестиционных проектов за счет  
синдицированных кредитов ..... 25

**Normukhamedov Sardor Rifatovich**

Improving investment project financing through syndicated loans..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**НОРМУХАМЕДОВ САРДОР РИФАТОВИЧ**

**СИНДИКАТЛАШГАН КРЕДИТЛАР ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН  
ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt494 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Олимжонов Одил Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Худойкулов Садриддин Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.:(99871) 239-28-72; факс:(99871) 239-43-51; e-mail:[tdu@tdu.uz](mailto:tdu@tdu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.:(99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Мустафакулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., доцент

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**Н.Г. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро амалиётга кўра, синдикатлашган кредитлар йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг самарали ва энг кенг тарқалган усулига айланган бўлиб, миллий доирадан ташқарига чиқадиган иштирокчи банкларнинг ресурсларини бирлаштириш, кредит портфелини диверсификациялаш ва шу орқали кредит рискинни оқилона тақсимлаш имконини бермоқда. Айти пайтда тижорат банклари мижозларининг молиявий ресурсларга бўлган талабларини тўлақонли қондириш мақсадида кредитлашнинг янги шакллари жорий этиш устида рақобатлашмоқда. Кредитлаш рискинни камайтириш эса бу ерда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, банклар фаолиятининг синдикатлаштирилган кредит шакли йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнларида жуда истиқболлидир.

Ҳозирда жаҳон миқёсида лойиҳаларни молиялаштиришни ривожлантириш учун синдикатлашган кредитлар муаммоларини ўрганиш, банклар томонидан синдикатлаштирилган кредитларни жалб қилиш ва ташкил этиш, уларни банклараро ташкил этиш ва қарз олувчиларга, хусусан кичик бизнес, хусусий корхоналар вакиллари тақдим этиш механизмлари ва усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, замонавий шароитда ривожланаётган инновацион иқтисодиёт, синдикатлашган кредит асосида лойиҳаларни молиялаштиришнинг назарий ва услубий ривожланиши ва уни банклар фаолиятида қўллаш республикада инвестиция ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг истиқболли йўналишларидан биридир.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг долзарб вазифаларидан бири сифатида модернизация, техник ва технологик янгиланишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш амалга ошириш белгиланган<sup>1</sup>. Ушбу вазифани замонавий корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жамоалари, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириш учун уларнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш, янги ғоялар, ишлаб чиқариш технологиялари ва турли хил лойиҳаларни жорий этиш асосида турли хил лойиҳаларни амалга ошириш учун йирик инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотларига кўра келгусида ҳам йирик ишлаб чиқариш учун кредитга бўлган эҳтиёж камаймайди. Синдикатлаштирилган кредит миллий банк тизимининг тўлов қобилиятига эга мижозларга қарз бериш қобилиятини бир неча бор оширишга имкон беради. Кўп тармоқли банклар билан рақобатда ўз мижозларини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлиб, банк рисклари камаяди. Республика банклари (ТИФ Миллий банки, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ҳамкорбанк» АТБ, «Давр банк» ХАТБ, «Ипак йўли» АИКБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Трастбанк» ХАБ, ДАТ «Асака» банки) аллақачон йирик лойиҳаларга синдикатлашган кредитлашни ташкил этиш ва қўллаш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. – www.lex.uz

тажрибага эга эканлигига қарамай, банк синдикатини ташкил этиш ва банк кредитини синдикациялашнинг назарий, меъёрий-ҳуқуқий ва услубий асосларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Синдикатлашган кредитлаш муаммолари чет эл олимлари ва иқтисодчилари томонидан тўлиқ ишлаб чиқилган ва кенг қамраб олинган. Чет эл муаллифлари орасида Altunbas Y., Gadanecz B., Kara A., Armstrong J., Fight A., Rhodes T., Pass C, Lowes D., Pendleton A., Chadwick L., Taylor A., Sanson A.<sup>2</sup> каби олимларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Синдикатлашган кредит бўйича жаҳон ва Россия бозорларини ривожлантириш муаммолари Данилина Ю.В., Аронов Б.Б., Грязнова Н., Тихомирова Е.В., Вахтерова В.Н., Балюк И.А. асарларида ўрганилган ва очиқ берилган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Altunbas Y., Gadanecz B., Kara A. Syndicated loans: A hybrid of relationship lending and publicly traded debt: Palgrave Macmillan, 2006. – 256 p.; Armstrong J. The Syndicated Loan Market: Developments in the North American Context. // Bank of Canada Working Paper 2003-15, June 2003.; Fight A. Syndicated lending: Essential Capital markets, 2004. – 188 p.; Rhodes T. Syndicated Lending Practice and documentation. – Fourth Edition: Publisher Euromoney Books, 2004. – 578 p.; Pass C, Lowes D., Pendleton A., Chadwick L. Collins Dictionary of Business. Harper Collins Publishers, 3rd Edition, 2000. – P. 430.; Taylor A., Sanson A. The handbook of loan syndications and trading. – First edition: McGraw-Hill, 2006. – 982 p.

<sup>3</sup> Аронов Б. Б. Выход российских компании на международные рынки капитала посредством привлечения международных синдицированных займов: Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук (Специальность: 08.00.14 – Мировая экономика). – Москва 2008. – 148 с.; Балюк И.А. Мировой рынок синдицированных кредитов: современное состояние, структура и тенденции развития // Вестник финансового университета. – 2016. – № 4. – С. 98 -111.; Вахтерова В.Н. Особенности российского рынка синдицированного кредитования // Вестник Новгородского государственного университета. – Т.1. – 2013. – № 74. – С. 17-21.; Грязнова Н. Синдицированное кредитование: тенденции национального рынка // Консультант. – № 11. – 2008.; Данилина Ю. В. Перспективы развития синдицированного кредита в России: Автореферат дис...канд. эконом. наук (08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит). – Москва, 2015. – 24 с.; Тихомирова Е. В. Рынок синдицированных кредитов: тенденции и перспективы развития // Деньги и кредит. – 2011. – № 2. – С. 30-35.

Банк кредитларини синдикация қилиш билан боғлиқ тушунчалар ва айрим жиҳатлар Ўзбекистон олимлари ва мутахассислари томонидан уларнинг илмий ишлари контекстида кўриб чиқилган. Тадқиқот мавзуси билан энг яқин ва чамбарчас боғлиқ бўлган масалалар Абдуллаева Ш.З., Абдуназарова Н.У., Азимова Ш.С., Арзуманян С.Ю., Шокиров Т.Э., Газибеков Д.Г., Гулямов С.С., Иминов О.К., Каримов Н.Ф., Мирзаев Ф.И., Махамаджанов М.М., Насриддинов Ф.Н., Нафасов Д.Б., Рашидов О.Ю., Рустамов М.С., Тухтабоев У.А., Холмахмадов З.А., Шарифхўжаев К.У., Эгамова М., Назаралиева Ш. Каби олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган<sup>4</sup>.

Юқорида қайд этиб ўтилган муаллифларнинг асарларидан Ўзбекистон ва жаҳондаги умумий иқтисодий, банк ва кредит тизимларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базалари ҳисобга олинган ҳолда олиб борилган тадқиқотнинг ахборот, назарий ва услубий базаси сифатида фойдаланилган. Республикамизда эса бу соҳада алоҳида чуқур илмий тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш зарурати тадқиқот мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларини белгилашга имконият яратди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда синдикатлашган кредитлар орқали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

банк кредити синдикациясининг назарий жиҳатлари ва уларни синдикатлашган кредитлаш асосида лойиҳаларни молиялаштиришни ўрганиш;

синдикатлаштирилган банк кредитининг назарий-услубий жиҳатларини, ташкил этиш хусусиятларини очиб бериш;

тижорат банкларида синдикатлашган кредитлаш механизмларини такомиллаштириш заруратини асослаш;

---

<sup>4</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. – 304 б.; Абдуназарова Н.У. Новые подходы к кредитованию // «Рынок, деньги и кредит». – 2013. – № 10(185). – С. 26-28.; Арзуманян С. Ю., Шакиров Т.Э. Синдцированное кредитование как способ привлечения внешних ресурсов в экономику Узбекистана. Ташкентский финансовый институт. 2012 г. / [www.biznes-daily.uz/.../15703...](http://www.biznes-daily.uz/.../15703...); Газибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т: Молия, 2003. – 332 б.; Гулямов С.С. Основные направления модернизации банковской системы Республики Узбекистан //Российское предпринимательство. – 2000. – Том 1. – № 9. – С. 87-95.; Гулямов Д. Перспективы развития банковского дела в Узбекистане / Экономический вестник Узбекистана. – Ташкент. – 2010. – № 2. – С.5-12; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2002, – 38 б.; Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 1998. – 19 б.; Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг тулари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Т.: Молия, 2006. – 135 б.; Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2012, – 26 б.; Рашидов О.Ю. Денежные отношения, кредит и финансы. Учебник. – Ташкент: Адабиёт, 2005. – 325с.; Тухтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни баргараф этиш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 20 б.; Холмахмадов З.А. Банковская система зарубежных стран. – Ташкент: Узбекистан, 2013. – 356с.; Шарифхўжаева К. У. Направления дальнейшего развития кредитования и предоставления банковских услуг в Республике Узбекистан // Молодой ученый. – 2016. – № 13. – С. 548-550.

тижорат банкларида синдикатлашган кредитлаш асосида лойиҳаларни молиялаштиришни концептуал асосларини ишлаб чиқиш;

синдикатлашган кредитлаш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кутилаётган рисклар таркиби, таснифи, баҳолаш усулларини асослаб бериш;

Ўзбекистонда банклар томонидан синдикатлашган кредитларни ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва жорий ҳолати таҳлил қилиш;

синдикатлашган кредитларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлари ҳолати ва ундаги тенденцияларни, шу жумладан глобал пандемиянинг синдикатлашган кредитлар бозорига таъсири ва уни баҳолаш;

Ўзбекистонда синдикатлашган кредитлаш амалиёти билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ва синдикатлашган кредитлар бозорини ривожлантириш истиқболлари белгилашга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон тижорат банкларининг синдикатлаштирилган кредитлаш орқали лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб тижорат банклари томонидан синдикатлаштирилган кредитлаш орқали лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий ва молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, SWOT-таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, график талқин, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

синдикатлашган кредитлаш рискининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш асосида кредитларни банклараро синдикатлаш моделлари ва уларни амалга ошириш шартлари такомиллаштирилган;

банклар томонидан синдикатлашган кредитни жалб қилиш ва ташкил этиш амалиётидаги асосий жараёнларнинг ички боғлиқлиги орқали лойиҳаларни синдикатлашган кредитлаш бўйича услубий асослар такомиллаштирилган;

хорижий банкларнинг синдикатлашган кредитларини устувор равишда республика тижорат банклари орқали давлат улуши бўлган юқори рентабелли корхоналарни акциядорлаштириш ҳамда модернизациялаш лойиҳаларига жалб этиш асосланган;

йирик инвестицион лойиҳаларнинг молиявий ресурсларга бўлган талаби ва муддатларидан келиб чиқиб кредитларни траншлар кўринишида ажратиш амалиёти такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг кредит бозоридаги синдикатларни тузишдаги андеррайтерлик фаолиятини ривожлантириш таклифи ишлаб чиқилган;

синдикатлашган кредитлар билан боғлиқ рискларни бошқаришда молиявий ковенантларни қўллаш амалиётини жорий этиш механизми ишлаб чиқилган;

синдикатлашган кредитлаш амалиётини ривожлантириш орқали тижорат банкларининг кредит портфели диверсификациясини саноат тармоғига ажратилган кредитлар улушини камайтириш ҳисобига ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

республикада синдикатлашган кредитлаш амалиётини ривожлантиришнинг муҳим шарт-шароити сифатида тижорат банклари жалб қилинган



маблағлари таркибида узоқ муддатли ва барқарор депозитлар улушини ошириш усуллари ишлаб чиқилган;

синдикатлашган кредитлар билан боғлиқ фоиз рискинни камайтириш мақсадида хорижий валютада бериладиган синдикатлашган кредитларга нисбатан сузувчи фоиз ставкасини қўллаш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, республика кредит тизимини бошқариш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги ва уларни самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг йиллик ҳисоботлари ва статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тижорат банклари ва корхоналарнинг бозор иқтисодиёти ўзгаришларига тезкор мослашувчанликни таъминлашга йўналтирилган инвестиция ва пул-кредит тизимини бошқариш, унинг самарадорлигини баҳолаш ва уни ошириш имкониятларини излаб топишга йўналтирилган методологик ёндашувларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги орқали намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тижорат банкларида синдикатлаштирилган кредитлаш орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш самарадорлигини ошириш имкониятларини излаб топиш, мавжуд механизмни такомиллаштириш, назорат механизмни ўрнатиш ҳамда «Банк иши», «Пул, кредит ва банklar», «Инвестиция лойиҳаларини бошқариш» фанлари бўйича кейс-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Синдикатлашган кредитлар орқали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синдикатлашган кредитлаш рискининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш асосида кредитларни банklarаро синдикатлаш моделлари ва уларни амалга ошириш шартлари, жумладан, синдикатлашган кредитлар билан боғлиқ рискларни бошқаришда молиявий ковенантларни қўллаш амалиётини жорий этиш таклифи «Ипотека-банк» АТИБ ҳамда «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБ амалиётларига жорий этилган («Ипотека-банк» АТИБнинг 2020 йил 12 октябрдаги 08/6904-сонли ҳамда «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 01-07/4237-сонли маълумотномалари). Бунинг натижасида синдикатлашган кредит орқали лойиҳаларни молиялаштиришга катта суммада қарз жалб қилган корхона соф активларининг муайян даражадан пасайиб кетмаслигини олдини олиш, фоизларни қоплаш коэффиценти, қарз суммасининг EBITDA (фоиз, солиқлар ва амортизация ажратмаларига қадар фойда) кўрсаткичига нисбати, шунингдек, қарз олувчи компаниянинг капитал

харажатлари ҳажмига нисбатан чекловларни белгилаб қўйиш орқали рискларни тартибга солиш имконияти юзага келган;

банклар томонидан синдикатлашган кредитни жалб қилиш ва ташкил этиш амалиётидаги асосий жараёнларнинг ички боғлиқлиги орқали лойиҳаларни синдикатлашган кредитлаш бўйича услубий асослар, жумладан, синдикатлашган кредитлаш амалиётини ривожлантириш орқали тижорат банкларининг кредит портфели диверсификациясини саноат тармоғига ажратилган кредитлар улушини камайтириш ҳисобига ошириш, тижорат банклари жалб қилинган маблағлари таркибида узоқ муддатли ва барқарор депозитлар улушини ошириш таклифлари «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБ амалиётига жорий этилган («Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 01-07/4237-сонли маълумотномаси). Натижада банк кредит портфели диверсификациясини янада ошириш имконияти юзага келган, «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБнинг муддатли депозитлари ҳажми 3,2 баробарга ортиб, 4308,4 млрд. сўмни ташкил этган, муддатли депозитларнинг умумий банк депозит базасидаги улуши 47,9 фоизга етган;

хорижий банкларнинг синдикатлашган кредитларини устувор равишда республика тижорат банклари орқали давлат улуши бўлган юқори рентабелли корхоналарни акциядорлаштириш ҳамда модернизациялаш лойиҳаларига жалб этиш таклифи «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБ амалиётига жорий этилган («Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 01-07/4237-сонли маълумотномаси). Натижада йирик корхоналар мисолида мамлакат реал сектори салоҳиятини ташқи кредиторларга таништириш, маҳаллий банклар ресурслар етишмаслиги муаммосини ҳал этиш имконияти юзага келиб, тижорат банклари учун халқаро синдикатлашган кредитларни жалб этишни енгиллаштирган;

йирик инвестицион лойиҳаларнинг молиявий ресурсларга бўлган талаби ва муддатларидан келиб чиқиб кредитларни траншлар кўринишида ажратиш амалиётини қўллаш таклифи «Ипотека-банк» АТИБ ҳамда «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБ амалиётларига жорий этилган («Ипотека-банк» АТИБнинг 2020 йил 12 октябрдаги 08/6904-сонли ҳамда «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 01-07/4237-сонли маълумотномалари). Натижада банклар томонидан синдикатлашган кредитнинг мақсадли фойдаланилиши устидан етарлича мониторинг қилиш имконияти пайдо бўлган, ҳамда мижозлар учун олинган кредитнинг самарадорлиги ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий мазмуни бўйича 13 та илмий иш, жумладан, 7 таси маҳаллий журналларда, 1 таси халқаро журналларда мақола, 5 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Унинг ҳажми 129 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объектив априори тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк кредити синдикациясининг назарий жиҳатлари ва синдикатлашган кредитлаш асосида лойиҳаларни молиялаштириш**» деб номланган биринчи бобида синдициялаштирилган банк кредитининг назарий-услубий жиҳатлари, уни ташкил этиш хусусиятлари очиқ берилган, синдициялаштирилган кредитлаш билан боғлиқ рисклар ва уларни баҳолаш усуллари тадқиқ қилинган.

Тадқиқотда «синдикатлашган кредит» ва «синдикатли кредитлаш» тушунчаларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш мақсадида чет эл ва маҳаллий иқтисодчи-олимларнинг (Бакли А., Файт А., Габриел Р., Родос Й., Хейл Г., Кара А., Маркес Д., Григорьева О.М., Данилина Ю.В., Семенова А.В., Раззақов Ж.Х., Каримов Н.Ф., Умаров З.А.) соҳа ва унинг атамаларига оид илмий қарашлари тизимлаштирилган ва фарқли хусусиятлар аниқланган.

Масалан, О.М.Григорьевага кўра илмий-иқтисодий адабиётда қайд этилган таърифларни жараён ва ҳужжатларнинг расмий жиҳатларига қандай аҳамият берилганлигини 2 гуруҳга бўлиш мумкин<sup>5</sup>:

биринчи гуруҳга битта кредит шартномаси бўйича барча кредитор банклар томонидан қарз олувчига кредит берилишини назарда тутувчи таърифлар киради;

иккинчи гуруҳда – қарз олувчи ва битта кредитор (агент банк) ўртасидаги келишув асосида синдикатлашган ссуданинг берилишига асос бўлган таърифлар, бу ўз навбатида бошқа кредиторлар билан (молиялаштириш билан ёки иштирокисиз) иштирок этиш тўғрисидаги шартномалар ёки битимлар тўғрисида рискларни тақсимлаш. Бундай шартномалар бўйича агент банк кредит шартномаси бўйича қарз олувчига кредит бериш учун маблағ олади.

Ю.В.Данилинага кўра эса синдикатлашган кредитни битта кредит шартномаси доирасида молия институтлари гуруҳи томонидан биргаликда кредит беришни назарда тутувчи кредит шаклидир<sup>6</sup>.

Шунингдек, И.А.Пантелеев томонидан консорциум кредит ва синдикатлашган кредитнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритилган бўлиб, консорсиум ссудасини беришда банклар қарз олувчи олдида биргаликда ва жиддий жавобгар бўлиши қайд этилган<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Григорьева О. М. Организация синдицированного кредитования в России: Автореферат дис...канд. эконом. наук (специальность 08.00.10, 08.00.05). – Москва, 2004 – 22 с.

<sup>6</sup> Данилина Ю. В. Перспективы развития синдицированного кредита в России: Автореферат дис...канд. эконом. наук (08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит). – Москва, 2015. – 24 с.

<sup>7</sup> Пантелеев И.А. Совершенствование управления рисками синдицированного кредитования: Дисс... канд. эконом. наук (специальность 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит).- Москва – 2009. –203 с.

Муаллиф маҳаллий олимларнинг синдикатлаштирилган кредитларнинг миллий амалиётига доир илмий ишларини таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистонда синдикатлаштирилган кредитлаш бозорининг ривожланишига ҳалақит берадиган фундаментал муаммолар сифатида синдикатлаштирилган кредитлаш тартибининг мукамал эмаслиги ва мураккаб қўшма лойиҳаларни ташкил этишда умумий услубий ёндашувнинг заифлиги; тижорат банклари ўртасида ўзаро ишончнинг пастлиги, республика ҳуқуқий амалиётида синдикация процедуралари, ахборотнинг шаффоф эмаслиги; республика молия бозорида синдикация билан боғлиқ бизнес амалиёти камлиги кабиларни келтириб ўтади.

Диссертацияда таъкидланишича, синдикатлашган кредитлашни асосий хусусияти кредит миқдори ва рискларларни иштирок этувчи банклар ўртасида тақсимланиши учун бир нечта кредиторларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Бундан келиб чиқадики, синдикат капитални кўп талаб қиладиган лойиҳани амалга ошириш учун синдикатли кредит бериш учун умумий келишув асосида банкларнинг вақтинча бирлашмаси бўлиб ҳисобланади.

Муаллиф синдициялаштирилган кредитни тартибга солишнинг илмий-назарий қарашларини тадқиқ қилиш натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келади. Биринчидан, синдикатлашган кредитлаш узоқ вақтдан бери маълум бўлган ва кенг қўлланилган мамлакатларда битимларни расмийлаштиришни унификациялаш иккиламчи синдикатлашган кредит бозорининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратади. Иккинчидан, иккиламчи бозорда синдикатлаштирилган кредит операцияларини амалга оширишнинг самарадорлиги ва тезлиги тўғридан-тўғри банклараро вакиллик муносабатларининг даражаси ва хусусиятларига боғлиқ. Бу, ўз навбатида, қарз мажбуриятларининг ликвидлигини оширади ва уларни ушбу кўрсаткич бўйича облигацияларга тенглашади. Натижада, синдикациянинг дастлабки иштирокчилари бўлган банклар лимитлардан эркин бўлиши ва янги битимларда иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Фикримизча, битимларни расмийлаштириш ва қарз мажбуриятларини айланмасини соддалаштириш, умуман синдикатлашган кредит бозорининг ўсишига олиб келади.

Шу билан бирга, муаллиф илмий-назарий тадқиқотларга асосланиб, синдикатлашган кредит бозорларида банклар ва қарз олувчилар одатда бундай кредитларнинг мақсади ва хусусиятларидан келиб чиқадиغان асосий тамойиллар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

*Биргаликдаги жавобгарлик:* кредиторлар қарз олувчи олдида битта томон сифатида ҳаракат қиладилар ва унинг олдида биргаликда жавобгар бўладилар, қарз олувчи эса бир вақтнинг ўзида барча кредиторлар олдида жавобгардир. Бироқ, банклар синдикатидаги роллар фарқ қилиши мумкинлиги сабабли, жавобгарлик нафақат қўшма, балки функционал тақсимотга ҳам эга; шу сабабли, банклар ўзларининг кредит қисмларини тақдим этишлари учун жавобгардирлар, аммо синдикатни ташкил қиладиган ва қарз олувчи билан ишлайдиган банк мавжуд ва у ёки бошқа банк ҳисоб-китоб ва тўлов маркази вазифасини бажаради.

*Кредиторларнинг тенг ҳуқуқлилиги:* ҳеч бир банк қарзни ундиришда устунликка эга эмас ва кредитни тўлаш ёки гаров сотишдан олинган барча

маблағлар кредиторлар ўртасида тақдим этилган ҳар бир миқдорга мутаносиб равишда тақсимланади.

*Ҳужжатларнинг бир хиллиги:* кредит бўйича тузилган барча шартномалар ва битимлар кўп томонлама бўлиб, барча кредиторлар ва қарз олувчилар томонидан алоҳида битимлар тузиш имкониятисиз имзоланади.

*Ахборотнинг бир хиллиги:* синдикатлашган ссудага оид барча маълумотлар барча қарз берувчилар ва қарз олувчига маълум бўлиши керак. Маълумотлар агент-банк орқали алмашинади, банк-агент ўз навбатида уни операциянинг барча иштирокчиларига тақдим этади.

Муаллифлик таърифига кўра, синдициялаштирилган кредит-бир неча кредиторлар билан қарз олувчи ўртасида кўп томонлама шартнома (кредит шартномаси) шартларига мувофиқ тақдим этиладиган кредит бўлиб, қарзни қайтариш бўйича кредиторларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини назарда тутаяди. Асосий келишувдан ташқари синдициялаштирилган кредит битимда иштирок этувчи банкларнинг кафиллар, гаровга қўювчилар, ҳуқуқшунослар ва баҳоловчилар билан асосий шартномани амалга оширишни таъминловчи шартномалар тизими билан расмийлаштирилади. Синдициялаштирилган кредит шартномалари Ўзбекистон ва / ёки хорижий юрисдикция доирасида тузилиши мумкин.



**1-расм. Синдициялаштирилган кредитни тақдим этиш схемаси<sup>8</sup>.**

Ўзбекистон Марказий банки томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ синдициялаштирилган кредитни тақдим этиш муаллиф томонидан таклиф этилган таърифга мувофиқ 1-расмда келтирилган. Тавсия этилган схема битимнинг тузилишига қараб фарқ қилиши мумкин.

Тижорат банклар хусусий ва ижтимоий акцияларни жойлаштириш (IPO/SPO), бирлашиш ва қўшилиш битимларини тузиш (M&A), миллий ва хорижий валютада облигацияларни, шунингдек, кредит ноталарни жойлаштириш, индексацияланган ва бивалюта кредитларни тақдим этиш, таркибий ва мезоний молиялаштиришни таъминлаш каби инвестиция банк маҳсулотлари билан бирга синдициялаштирилган кредитни ҳам таклиф этади.

Муаллиф тадқиқот ишида синдициялаштирилган кредитнинг иштирокчилари таркибини таҳлил қилиш жараёнида, қарз олувчи, банк-ташкilotчи, букраннер, банк-агент, таъминот бўйича агент, банк-иштирокчи, синдикат ҳуқуқшунослари, баҳоловчилар ва бошқа томонларнинг (харидорлар, контрагентлар ва бошқалар) вазифаларини бирма-бир ёритиб,

<sup>8</sup> Тадқиқот натижаларига асосланиб муаллиф томонидан тузилган.

синдициялаштирилган кредитни ташкил этиш тартибини тузишга муваффақ бўлган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Синдициялаштирилган кредитни ташкил этиш тартиби<sup>9</sup>**

<b>Муддат</b>	<b>Синдициялаштирилган кредитнинг асосий босқичлари</b>
Мандат имзолангунга қадар давр	Қарз олувчининг синдициялаштирилган кредитни жалб қилиш тўғрисидаги қарори
	Банк-ташкilotчи ва қарз олувчи ўртасидаги дастлабки музокаралар
Мандат имзоланган кун	Мандатнинг муҳим шартлари тўғрисидаги битим
	Мандатнинг имзоланиши
Мандат имзоланган кундан бошлаб 1 ой ўтгандан кейин	Мумкин бўлган иштирокчилар рўйхатини тасдиқлаш
	Ахборот меморандумини, инвесторлар учун тақдимотни ва иштирок этиш учун таклифномаларни тайёрлаш
Мандат имзоланган кундан бошлаб 2 ой ўтгандан кейин	Ахборот меморандумини, молиявий моделникелишиш, уларни қарз олувчи томонидан қабул қилиш
	Иштирок этиш учун инвесторларга (банк-кредиторларга) таклифномалар юбориш
	Махфийлик хатига қарши инвесторларга меморандумни, молиявий моделни ва тақдимотни юбориш
Мандат имзоланган кундан бошлаб 3 ой ўтгандан кейин	Инвесторларнинг қўшимча саволлари ва банкларда кредит қўмиталари
	Синдикатда инвесторларнинг иштирокини тасдиқлаш, кредит ҳужжатлари бўйича таклифлар
	Банк-ташкilotчи томонидан ташқи ҳуқуқшунослар билан шартномани имзолаш
	Ташқи ҳуқуқшунослар томонидан кредит ва таъминот ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш
	Инвесторлар билан кредит ва таъминот ҳужжатларини муҳокама қилиш
	Инвесторлар томонидан ҳужжатларни қабул қилиш ва ҳужжатларни қарз олувчига юбориш
	Ҳужжатларни якуний келиштириш
	Ҳужжатларни имзолаш
	Олдиндан шартларни текшириш ва кредит ҳисобларини очиш
	Алоҳида шартларни олиб ташлашни якунлаш
Кредитдан фойдаланиш	

Шунингдек, тадқиқот ишида синдициялаштирилган кредитлаш жараёни ва босқичларида рисклар турлари ва уларнинг кредиторлар (банк-ташкilotчи,

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси.

банк-агент ва банк-иштирокчи) учун тааллуқлилиги аниқланиб, гуруҳлаштирилган (2-жадвал).

**2-жадвал**  
<sup>10</sup>

**Синдициялаштирилган кредитлаш рискларининг таркиби**

Синдициялаштирилган кредитлаш босқичлари ва даврлари	Қарз олувчи	Кредиторлар		
		Банк-ташкilotчи	Банк-агент	Банк-иштирокчи
<b>I. Тайёргарлик босқичи</b>				
Қарз олувчининг таҳлили		Стратегик риск		
Бозор мониторинги, портфелни таҳлил қилиш	Молиявий риск	Бозор риск		
Ҳужжатларни тайёрлаш	Ҳуқуқий риск	Ҳуқуқий хавф		
<b>II. Синдикацияни олиб бориш босқичи</b>				
Шартларни дастлабки тасдиқлаш		Операцион риск	Стратегик риск	Стратегик риск
Яқуний шартномани тузиш	Ҳуқуқий риск	Ҳуқуқий риск, операцион риск	Ҳуқуқий риск	Ҳуқуқий риск
Синдициялаштирилган битимни ижро этиш	Молиявий риск	Кредит riskи, ликвидликни йўқотиш riskи, бозор riskи, обрўни йўқотиш riskи	Кредит riskи, ликвидликни йўқотиш riskи, бозор riskи	Кредит riskи, ликвидликни йўқотиш riskи, бозор riskи
<b>III. Босқич-синдикациядан кейин</b>				
Операцияларни тасдиқлаш	Молиявий риск	Кредит, бозор, операцион ва ликвидликни йўқотиш riskи	Кредит, бозор, операцион ва ликвидликни йўқотиш riskи	Кредит, бозор, операцион ва ликвидликни йўқотиш riskи
Ҳисоб-китоблар ва текширув	Молиявий риск	Кредит, бозор, операцион ва ликвидликни йўқотиш riskи	Кредит, бозор, операцион ва ликвидликни йўқотиш riskи	Кредит, бозор, операцион ва ликвидликни йўқотиш riskи
Портфелни ҳисоблаш		Операцион риск	Операцион риск	Операцион риск
Ишончли сақлаш ва қимматли қоғозлар гаров остида кредитлаш		Операцион риск, бозор riskи	Операцион риск, бозор riskи	Операцион риск, бозор riskи
Назорат ва мониторинг		Стратегик риск	Стратегик риск	Стратегик риск

Диссертациянинг «Лойиҳаларни молиялаштиришда банклар томонидан синдикатлашган кредитларни ташкил этиш амалиёти» деб

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси.

номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда банклар томонидан синдикатлашган кредитларни ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва жорий ҳолати, синдикатлашган кредитларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлари ҳолати ва ундаги тенденциялар таҳлил қилиниб, глобал пандемиянинг синдикатлашган кредитлар бозорига таъсири баҳоланган.

Республикада синдикатлашган кредитларни банклар томонидан ташкил этиш дастлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 27 майда тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилган. Ушбу Низомга мувофиқ, етакчи банк ва қарз олувчи ўртасида шартнома тузилгач, иштирокчи банклар синдикатлашган кредит тўғрисидаги битимда келишилган шартларда етакчи банкка кредит линиясини очар эдилар. Синдикатлашган кредит суммасининг барчаси етакчи банк балансида акс этар эди. Шунингдек, синдикатлашган кредит қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисобрақами очиш орқали ажратилган.

2005 йилдан ҳозирги вақтгача республикада банкларида синдикатлаштирилган кредитлашни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилмоқда. Албатта, мазкур Низомга банк сектори ривожланиши талабларидан келиб чиқиб, 2010 ва 2016 йилларда ўзгартиришлар киритилган. Мазкур низомга кўра, банк синдикати кредит жилдидаги барча ҳужжатларни кўриб чиқиб кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан, етакчи ва ҳар бир иштирокчи банкнинг синдициялаштирилган кредитдаги улуши аниқлангандан кейин, етакчи ва иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

2000 йилдаги Низомдан фарқли ўлароқ, мазкур Низомга кўра, ҳар бир иштирокчи банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз олувчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобварағи очади. Шунингдек, синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи банк қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилияти, кредитдан мақсадли фойдаланиш ва гаров ҳолати устидан мустақил мониторинг амалга ошириши мумкин.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада тижорат банклари томонидан ажратилган синдикатлашган кредитлар қолдиғи 2238 млрд. сўмни ташкил этган. Бу эса жами кредитлар қолдиғига нисбатан 1,06 % демакдир.




**Жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредит қолдиғи тўғрисида  
кредитлар турлари бўйича маълумот, млрд.сўм<sup>11</sup>**

млрд.сўм

Кўрсаткич номи	01.01.2020 й.	01.07.2020 й.	Ўзгариши, фоизда
<b>Жами кредит қолдиғи</b>	<b>211 581</b>	<b>244 906</b>	<b>15,8%</b>
<b>Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи</b>	<b>39 934</b>	<b>47 390</b>	<b>18,7%</b>
Ипотека кредитлари	20 326	24 764	21,8%
Автокредит	5 492	6 607	20,3%
Микроқарз	3 177	4 578	44,1%
Бошқа истеъмол кредитлари	4 471	4 688	4,8%
Тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар	6 467	6 754	4,4%
<b>Юридик шахсларга ажратилган кредит қолдиғи</b>	<b>171 647</b>	<b>197 516</b>	<b>15,1%</b>
Микрокредит	9 211	10 458	13,5%
Синдициялаштирилган кредитлар	2 238	2 845	27,1%
Банклараро кредитлар	1 597	1 705	6,7%
Лизинг ва факторинг	2 225	2 238	0,6%

Тадқиқотда таъкидланишича, глобал синдикатлашган кредит бозоридаги уч йиллик ўсиш тенденцияси 2019 йилга келиб барҳам топган ва 4,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этган (2-расм).



2-расм. Глобал синдикатлашган кредитлар бозори ҳажми, трлн. АҚШ доллари<sup>12</sup>.

2019 йил якунлари бўйича синдикатлашган кредит битимлари умумий қийматининг 9,63 фоизи Bank of Amerika Securities улушини ташкил этган. Мазкур банк ҳисобот йилида 1270 битимларда букраннер сифатида иштирок этган. Кейинги ўринга JP Morgan лойиқ кўрилган бўлиб, у иштирок этган битимлар сони 1214 тани ташкил этган. Ваҳоланки, 2016 ва 2018 йилларда

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

<sup>12</sup> Bloomberg йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

синдикатлашган кредит битимларида букраннерлик қилиш бўйича илғорлик JP Morgan банкига тегишли бўлган.

Глобал синдикатлашган кредитларнинг тармоқ таркиби таҳлили кўрсатишича, 2019 йил мобайнида молия сектори етакчи бўлиб, унинг улуши 21,1 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари, синдикатлашган кредит битимларида энергетика соҳасининг улуши - 11,3%, соғлиқни сақлаш - 9%, технологиялар - 6,6%, коммуникациялар - 6,6 фоизни ташкил этган.

Глобал синдикатлашган кредитларнинг географик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ бозори улуши 54,5 фоизни ташкил этган (2,4 трлн. АҚШ доллари). АҚШ синдикатлашган кредитлар бозорида молия сектори етакчиликни сақлаб қолган ва 20 фоиз улушга эга бўлган. Шунингдек, Шимолий Америка қитъасидан Канаданинг синдикатлашган кредитлар бозори ҳажми 352,8 млрд. Канада долларини ташкил этган. Канада синдикатлашган кредитлар бозорининг етакчи тармоғи бўлиб, энергетика сектори ҳисобланади. Унинг умумий синдикатлашган кредит битимларидаги улуши 2019 йил якунларига кўра 29 фоизни ташкил этган.


2019 йилда Лотин Америкаси жалб қилган синдикатлашган кредитлар ҳажми 15,38 фоизга ошиб, 59,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Лотин Америкасида синдикатлашган кредитларни жалб қилган тармоқлар сифатида материаллар ва энергетика соҳаларини келтириш мумкин. Уларнинг умумий синдикатлашган кредит битимларидаги улуши, мос равишда, 29% ва 26%ни ташкил этган.

Европа, Ўрта Шарқ ва Африка (ЕМЕА) минтақасида синдикатлашган кредитлар ҳажми 2019 йилда 10,51 фоизга камайган ва 937,1 млрд. еврони ташкил этган. бу ҳудудда ҳам молия сектори (18%) энг кўп синдикатлашган кредитларни жалб қилишга муваффақ бўлган. Шунингдек, энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳалари ҳам, мос равишда, 10% ва 8% улушга эга бўлган. Айни пайтда, мазкур минтақанинг етакчи букраннери сифатида BNP Paribas банки ҳисобланади, унинг минтақадаги улуши 2019 йилда 8,1 фоизни ташкил этган ва ушбу банк 327 та синдикатлашган кредит битимларида иштирок этган.

